

Вола (тахаллуси; асл исми Эшонхўжа Мириноятулло ўгли) (1770 — Самарканд вилояти Иштихон тумани — 1842) — ўзбек шоири. Возехнинг «Сухбатдошлар таржимаи холидан дўстларга тухфа» тазкирасида келтирилишича, Вола тугма кўзи ожиз бўлган. Шунга карамай у туркий ва форсий тилларда ижод қилган. Вола 19-аср Каттакўргон адабий мухитига мансуб Шавкий, Нодим, Хиромийлар билан ижодий мулоқотда бўлган. Навоий, Хофиз шеърларига тазмин, мухаммаслар болаган. Шеърлари ижтимоий, фалсафий ва ишқий мавзуда. Уларда меҳнаткаш халқ ҳаёти, турмуш машаққатлари, ўз кашшоқлигидан норозилик, шу билан бирга эзгу орзулар ифода этилган. Баъзи манбаларда шеърларидан 2 та девон тартиб бергани ва баёзлар тузгани ҳақида маълумот келтирилади, аммо улар ҳали топилмаган. Турли баёзларга қирган 3 минг мисрадан ортиқ шеърлари бизгача етиб келган.

ГАЗАЛЛАР

* * *

Ёшурмиш оразин ул ой никобимушқфом ичра,
Нихон бўлгон киби кўздин кўёш рухсори шом ичра.

Бошингдин ўргулуб холингдин ўпсам, эътироз этма,
Ки, такбили хажар суннат эмиш байтулхаром ичра.

Кўрунур гарчи даврон гулшани, эй дўстлар, хуррам,
Вафо меҳрини сиз андин тамаъ этманг машом ичра,

Фигон бул чархи золимдинки, доно кон ютар дойим,
Ичар нодон тараб жомини базми эхтиром ичра.

Ададсиз захмлиг тан ичра андог толпинур кўнглум,
Хаводис зулмидин тушган ўшал кушдекки дом ичра.

Жахон богида умредурки бир гул васлини истаб,
Килурмиш Вола булбулдек наволдр хар маком ичра.

* * *

Чаман ичра каю сарв ул сихи кад қошига ҳам йўк,
Жахон аҳли агар ишкида жон берса, анга гам йўк,

Нечук изҳор этай, эй дўстлар, ул сиймтан ишқин,
Кўнгул розини ифшо этгудек оламга маҳрам йўк.

Кўруб кўнглумга хар ён захмлар хижрони тигидин

Дедилар ахли хикмат: гайри васли анга мархам йўк.

Эшитиб раҳм килмас ул куёшсиймо фиғонимни,
Агарчи кўнглум ахволи анга бир зарра мубхам йўк.

Париларга макондур гарчи гулзори Эрам, аммо
Манга ул хур пайкар кўйидек дилхоху хуррам йўк.

Кўруб ул ой юзин мийносини гулгун арак ичра,
Нечук дерсиз гули гулзори рухсориға шабнам йўк.

Кўнгулни хуш тутуб доим, замоне бўлмангиз гамгин,
Нединким кўк равокидек тириклик касри маҳкам йўк.

Киёмат ваҳмидин кон йиглаганда, куйган эй гофил,
Они холиға йиглангким, кўзига катраи нам -йўк.

Агарчи Вола аъмолиг гамидин кон ютар, лекин
Они ботин кўзин ҳақ очса, зохир дийдадин кам йўк.

* * *

Очма рухсорингни, жоно, мунча зеболанмасун,
То манингдек ахли олам зору шайдоланмасун.

Гарчи ўлдум новаки нозингдин, эй абру камон,
Ўзгаларни касдига, ёраб, ул ўк ёланмасун.

Кўз ёшим баҳрида гарк ўлдум юзунг хижронида,
Меҳр топгонда киши ул навъ дарёлинмасун.

Оху ашкимдин таваҳхум килки, хажрингдин яна
Нух тўфони жаҳон мулкиға пайдоланмасун.

Кадду рухсоринг таманносида айларман фиғон,
Булбулу кумри гулу сарв узра гавголанмасун.

Сунбули зулфингни таркатма юз узра, гар десанг,
Атридин девоналардек халк савдоланмасун.

Ноз ила ҳар сори кўз сол, айласанг сайри чаман,
Шармдин бодому нарғис кўзи шахлоланмасун.

Лаъли жонбахшингдин этма нуктае дарёға фош,
То дури шахвор маржонидин изоланмасун.

Кувланиб кўюнг гулистонидин, эй номехрибон,
Хеч ошик Воладек ишкинга расволанмасун.

МУХАММАСЛАР

НАВОИЙ ГАЗАЛИГА МУХАММАС

Зулфин, эй машшота, таркаб хусни бехамтога соч,
Сунбулин гул узра, яъни орази зебога соч,
Шом атрин субх янглиг сафхаи байзога соч,
Турра маргулин очиб, рухсори махсиймога соч,
Тун саводи анбарин мехри жахонорога соч.

Юсуфистон байтул эхзоим бу ахшом, эй сипехр,
Макдами осори имоним бу ахшом, эй сипехр,
Хуснига парвонадур жоним бу ахшом, эй сипехр,
Ердур шамъи шабистоним бу ахшом, эй сипехр,
Ахтарингнинг дурларин бу базми мехросога соч.

Хар сабохдек шўхлигни килма изхор, эй насим,
Берма илкингдин адаб расмини зинхор, эй насим,
Лек бу бог ичра бўлгайсен хабардор, эй насим,
Сарви гулрўюм килур гулгашти гулзор, эй насим,
Дам-бадам сориг, кизил гул ул гули раънога соч.

Мехрибонлиг муждасин еткурди ул номехрибон,
Хажр ўтига куйма бир дам эмди, эй афсурда жон,
Васли даврони якиндур чекма, эй кўнгул, фигон,
Йиглама, эй кўзки, ул ой бўлгусидур мехмон,
Гар сочар сен юз гухар, ул гавхари яктога соч.

Дайр аро не ишва пайдо айладинг, эй мугбача,
Куфр элин кўнглини ягмо айладинг, эй мугбача,
Хар тараф юз фитна барпо айладинг, эй мугбача,
Зухд элин май бирла расво айладинг, эй мугбача,
Журъае етти-ю, рахм айлаб мени расвога соч.

Ахли ислом ичра ар Бастомий бўлсун, в-ар Жунайд,
Олгуси кўнгулларин ул кофир айлаб макру кайд,
Эмди ким оламда колди килмай ул сайёд сайд,
Дин аро дин ахлининг бўйнига зулфи бўлса кайд,
Булъажаб зуннордур ул дилбари тарсога точ.

Хар неча килсанг карам мухтождин тутма дариг,
Лутф мустагнийга килмок суди йўк, билгил аниг,
Бир гияхдек менки, ёмгур кўрмаган, ранги сариг,

Ташнага бер файз, эй абри карамким, не асиг,
Гарчи сув юз катла дарёдин олиб дарёга соч.

Килмагайсан андин ўзга ёр васфин гуфтугў,
Истасанг икки жахон богида гулдек обрў,
Воладек доим ул ой васлинн этгил жустужў,
Эй Навоий, умри жовид айлар эрсанг орзу,
Бас, жахоннинг накдини ул лаъли рухафзога соч.

* * *

На ўтлуг ораз эркан шуъласи жисмимга жо килмиш,
На хижрон тиги эркан банд-бандимдин жудо килмиш,
На кофир кўзлар эркан дину имондин жудо килмиш,
На хам кошлар дурурким хасрати каддимни ё килмиш,
На киприklar ўкиким, рўзгоримни каро килмиш.

Ёзибдур кисматим рўзи азалда хомаи яздон,
Кутулмаклик бу ишдин кайда бўлгай заррае имкон,
Дединг: «Ишкингни тарк эт. Вах, бу иш эрмас манга осон,
Казодиндур манга ишк ўйнамок, эй носихи нодон,
Кўрубсенму киши харгизки тагйири казо килмиш?

Солибдур бошима гардун хавои дилраболарни,
Аларга ошно, бегона айлаб ошноларни,
Килиб шахлар гадо-ю, подшоҳ айлаб" гадоларни,
Ажаб кўр ишк ароким мўр этар, вах, аждахоларни,
Фусундин мўр хатлар кайда зулфин аждахо килмиш.

Тавофи Каъбаи кўюнгга токим боғладим эхром,
Куюндек пўя айлаб, тутмайин бир ерга хеч ором,
Етиб кўйига, шайлиллах тортиб айлагач ибром,
Не нозикхў эрурким, айламиш ўтруда юз дашном,
Гадоеким, ани кошу кўзу каддин дуо килмиш.

Огиз очмам ул ойнинг гайр жоми васл шукридин,
Тилимга ўзга сўз мазкур эмасдур лаъли зикридин,
Эмасдур Вола фориғ бир замоне они фикридин,
Навоийнинг халоси йўк эди ул гамза куфридин,
Хусусан зулфи зуннори даги бўйнулмга токилмйш.

* * *

Сандек қачон махбублар, эй шўх, жобир бўлгуси,
Ушшок хайли мен каби хар неча собир бўлгуси,
Умрим фирокинг зулмидин албатта охир бўлгуси,

Ишк ахли гўристониди кабрим чу зохир бўлгуси,
Фарход онинг тошин йўниб, Мажнун мужовир бўлгуси.

Нетсун жамолинг хажрида ой ламъасин гар юз будур,
Хай катрасидин анда кўп кўргач, дедим юлдуз будур,
Жону таним куйса не тонг, ишкинг ўтида сўз будур,
Дерсен, юзум сори кўзунг кўп бокмасун, гар кўз будур,
Ул меҳр тобидин эриб оккунча нозир бўлгуси.

Хар нечаким эл катлига фаттон кўзунг айлар жадал,
Жон бергусидур лабларинг даҳр ахлига сўз дер махал,
Лутфинг қошида захрдур хайвон суйи гар филмасал,
Гамзангдин ўлтурмак ишин таълим ола келмиш ажал,
Бу навъ устоз ўлса, ул тез чоғда мохир бўлгуси.

Охимни дуди бўлмади кўнглум ўтининг рофеи,
Зулфунг саводи не ажаб бўлса жамолинг ломеи,
Зулмат аро колмас ниҳон меҳри тажаллий толеи,
Хатти губори демаким, бўлгуси ул юз монети,
Тун пардаси ой нурига не навъ сотир бўлгуси.

Субхимни, жоно, айламиш хажринг мубаддал шомга,
Лекин тараххум килмадинг харгиз мени нокомга,
Ишкинг мени зор айлади тушган киби куш домга,
Ул гамза куфридин кўнгул навъе келур исломга,
Ким тарки ислом айлабон гўёки кофир бўлгуси.,

Ишкинг ўти тугёнидур жисмим аро муг дайридек,
Жон булбули анда, не тонг, талпинса кўнглум тайридек,
Билмай менга килдинг жафо ахли мухаббат гайридек,
Бўлгуси мутлак шуълалар ичра самандар сайридек,
Сенсиз кўнгул гулзор аро ул дамки сойир ўлгуси.

Ботин сафо топсун десанг, афъоли зохир дафъин эт,
Албатта кўнгул лавхидин накши мазохир дафъин эт,
Гар максадинг дийдор эрур, ул навъ сотир-дафъин эт,
Хотирни жамъ истар эсанг, аввал хавотир дафъин эт,
Кимки хавотир бўлмаса, осуда хотир бўлгуси.

Маргуб зотингни киши гар англаса танзихини,
Юз йил килолмас фикр этиб мингдин бири тавжихини,
Гар Воладек берсанг не тонг ул чўп ила танбихини,
Килди Навоий каддингга сарви сихи ташбихини,
Бу табъи номавзун била бечора шоир бўлгуси.

МАХЗУН ГАЗАЛИГА МУХАММАС

Сени махбублик мулкида улким аржуманд этти,
Мани хам ишк водисида зору мустаманд этти,
Юзунгни, эй париваш, гул каби хотир писанд этти,
Азал дехкони каддинг нахлини то сарбаланд этти,
Мухаббат риштаси кўнглум куши бўйнига банд этти,

Муродим бўлмади ўл шўхдин хосил чикиб, вахким,
Мани ўлдурди бўлгач ўзгага мойил чикиб, вахким,
Деманг, ишк ахлини катлига ул койил чикиб, вахким,
Бути.номехрибоним масти лояъкил чикиб, вахким,
Бошимга секратиб, хоки таним гарди саманд этти.

Куёшга ўхшатур аввал жамолин акли кўтохи,
Нединким анга етмас ишк элининг нолау охи,
Бокиб ўз жилвасига ноз ила товус каби гохи,
Ямон кўз тегмасун хуснумга деб ул хўблар шохи,
Жамоли оташига донаи холин сипанд этти.

Кўнгул бердим кўзу кошингга, жоно, асру дилкаш деб,
Тараххум килмадинг харгиз, бу бир зори балокаш, деб,
Жамииъ дилраболардкн сени мумтоз махваш деб,
Малоик шагнаси хуршидни хуснига саркаш деб,
Эшиб, айлантуруб, таъзир учун гардунга банд этти.

Янги ойдеккоши фикрлда каддим турфа зор эрди,
Лабини хасратидин хам хазин жоним фиғор эрди,
Висоли бодасидин Вола кўп уммидвор эрди,
Киё бокгайму деб, Махзун, кўнгул кўп интизор эрди,
Бихамдиллаҳки, мижгон новакидин бахраманд этти.

ХОФИЗ ГАЗАЛИГА МУХАММАС

Маро рўзеки, эй гардун, аз он мах дур афканди, _
Ба олам з-он сабаб харгиз надидам рўи хурсанди,
Шабе ногах дар он холат ба уммеди барум анди,
Сахар бар бод мегуфтам хадиси орзуманди,
Хитоб омад, ки восик шав ба алтофи худованди.

Намедонам чи кайфият бувад дар ишки афсунсоз,
Набошад дар рахаш аз якдигар шоҳу гадо мумтоз,
Касе огах нашуд аз кори ў сехр аст ё эъжоз,
Каламро он забн набвад ки сирри ишк гўянд боз,
Бурун аз хадди тақрир аст шархи орзуманди.

Сабаб аз ашки сурхам, носехо, з-он рўи гулгун пурс,
Зи хубони жафожў холимахжурони дилхун пурс,

Бирав аз жилваи Ширйн, гами Фарходи махзун пурс,
Дил андар зулфи Лайли банду кори ишки Мажнун пурс,
Ки ошикро зиён дорад маколоти хирадманди.

Лаби лаъли дурахшонат равонбахш асту шӯрангез,
Суханхоя итоболудаат шахд асту сӯзангез,
Ба нози гамза чашмонат нишотафзоу хам хунрез,
Ба сехри гамзаи фаттон давобахш асту дардангез,
Ба чини зулфи мушкафшон дилоромеву дилбанди.

Бакои давлати Кайсар бинои хашмати Фагфур,
1'изои табъй дарвешон кунад пояндау масрур,
Бувад оинаи чох аз дуои ожизон пурнур,
Ало, эй Юсуфи Мисри, ки кардад салтанат магрур,
Падарро боз пурс охир, кучо шуд меҳри фарзанди?

Бу олифитрати аз баски бо дунон мажӯ пайванд,
Бу меҳр аз хоки зулмоти ба сӯхбат сифларо мебанд,
Зи нопокони кашад албатта доман хар саодатманд,
Хумои чун ту оликадр хирси устухоне чанд?
Дарег он сояи давлат, ки бар ноахл афканди.

Ба ёди дӯст хар жо чашми ошик гиряолуд аст,
Ки файзи он гухархо хамчу кавкабҳои масъуд аст,
Шикаста хотиру сӯзи дил инжо боисӣ суд аст,
Дуои субҳу шомии ту калиди ганжи максуд аст,
Ба ин роҳу равиш мерав, ки бо дилдор пайванди.

Бувад ин Вола камтар аз сағони орифон харчанд,
Ба амри шах ба рӯхи Хожа шуд, лекин таважжухманд,
Чи мумкин в-арна дар абёти у харфе кунад пайванд,
Ба шеъри Хофизии Шероз мехонанду мераксанд,
Сияхчашмони кашмирию аркони самарканди.